

ТИЛШУНОСЛИКДА КЕЧИРИМ НУТҚИЙ АКТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Хайдарова Дилафруз Иноятуллаевна
Навоий давлат педагогика институти,
Ўзбек тили ихтисослиги таянч докторанти
isfan2006@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ахлоқий маданиятнинг энг муҳим кўринишларидан бири бўлган нутқ маданияти ёки нутқий этикет масаласи ва унда нутқий актларнинг ўрни тўғрисида фикр юритилган. Кечирим нутқий актининг жаҳон тилшунослигига қатор тадқиқотлар обьектига айланганлиги, тадқиқотларда кечирим нутқий акти моҳияти турлича ёндашув ва илмий таърифлар билан тавсифланганлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ахлоқий маданият, нутқий этикет, нутқий акт, кечирим, прагмалингвистика.

ANNOTATION

This article discusses the question of speech culture or speech etiquette, which is one of the most important manifestations of moral culture, and the role of speech acts in it. It is analyzed that the speech act of forgiveness has become the object of a number of studies in world linguistics, in research the essence of the speech act of forgiveness is characterized by various approaches and scientific definitions.

Keywords: moral culture, speech etiquette, speech act, forgiveness, pragmalinguistics.

КИРИШ. Ахлоқий маданият умумий маданиятнинг муҳим таркибий қисми саналади. У баркамол инсон қиёфасини белгиловчи умумэтироф шакл сифатида қаралса-да, ҳар бир халқ ва миллатнинг ўзигагина хос бўлган ахлоқий меъёрлари мавжуд.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим кўринишларидан бири бўлган нутқ маданияти ёки нутқий этикет масаласи бўлиб, у кишилар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар, яъни муомала, мурожаат, саломлашиш, жамоат жойида ўзини тутиш каби қатор қоидаларни ўзида жамлайди. Нутқий этикет мулоқот мувозанатини ушлаб туради, турли маданият вакиллари, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатни тушунарли ва мақбул қиласи. Коммуникатив интенцияни амалга ошириш нафақат мулоқот қоидаларига, балки алоқани қўллаб-қувватловчи тамойилларни ҳам талаб этади. Бундай тамойиллардан фойдаланиш мулоқот муваффақиятини белгилайди. Улар ҳар қандай жамиятнинг мулоқот маданиятида

вазиятни можаросиз ҳал этишга қаратилган алоқа меъёрлари ва коммуникатив хатти-харакатлар стратегиясини ўз ичига олган ифодали нутқий актлардир.

Шундай нутқий актлар ичида кечирим сўраш етакчи ўрин тутади. Ж.Остин “Кечирим фалсафанинг бутун бир, ҳатто жуда тарвақайлаб кетган бўлаги” деб баҳолайди.¹ Муомалада кечирим, узр сўраш орқали мулоқотчи ўзининг маълум ниятларини амалга оширади – у кечирим сўраш орқали низоли вазиятдан қочишни ёки мулоқотдаги қўпол қирраларни силлиқлашни, мулойим бўлишни истайди. Кечирим сўраш қундалик ҳаётда жуда тез-тез қўлланиладиган нутқий актлардан бири саналади. Инсон бошқа бирорни хафа қилиб қўйганда ёки хафа қилиб қўйдим деб ўйлаганида, коммуникант талаб қилган ҳаракатни амалга ошира олмаганида кечирим сўрайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Кечирим нутқий акти жаҳон тилшунослигида қатор тадқиқотлар обьектига айланди. Мазкур тадқиқотларда дастлаб кечирим сўрашнинг шакли ва вазифалари ўрганилган бўлса, сўнгти тадқиқотлар куч ва тобелик муносабатлари, ижтимоий масофа, ижтимоий омиллар ва муносабатларга кечиримнинг таъсирини ўрганишга, яъни прагматикаси, социолингвистикасига бағишлиана бошлади. Бундан ташқари турли коммуникатив маданиятларда кечирим нутқий актининг ифодаланиши қиёсий ўрганилиб маданиятлараро ёндашув ҳам кучайди ва кечирим нутқий акти лингвокультурологиянинг обьектига ҳам айланди.

Тадқиқотларда кечирим нутқий акти моҳияти турлича ёндашув ва илмий таърифлар билан тавсифланади. Жумладан, Дж.Лич, А.Тросборг, У.Эдмонсон, К.Андрейчина, С.Браун ва П.Левинсонлар кечирим нутқий актини изоҳлашда асосий эътиборни мулоқот иштирокчилари ўртасидаги муносабатга қаратишади. Кечирим нутқий актини Дж.Лич сўзловчи ва адресат орасидаги муносабат мувозанатини тутиб турувчи нутқий акт тури сифатида баҳолайди.² Сўзловчи бундай актни тингловчида салбий таассуротни уйғотмаслик ёки хатосини тўғрилаш мақсадида қўллайди. Гўёки кечирим сўраган киши сухбатдошидан ўзининг ҳаракати ёки ҳаракатларидан келадиган салбий оқибатларга келгусида эътибор бермаслигини ёки умуман эътиборсиз қолдиришини сўрайди. Кўринадики, кечирим коммуникантлар ўртасидаги уйғунликни сақлаб қолиш ижтимоий мақсади учун қўлланади.

А.Тросборг ҳам кечирим нутқий акти сўзловчи (узр сўраган) ва тингловчи ўртасидаги ижтимоий ҳамжиҳатликни, шунингдек, жабрланган томоннинг қадр-қимматини тиклашга қаратилганлигини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, кечирим

¹ Остин Дж. Принесение извинений // Три способа пролить чернила: Философские работы. СПб.: Изд-во С.-Петербургского ун-та, 2006. С. 200- 231.

² Leech, Geoffrey N. Principles of Pragmatics. London and New York, 1986.

сўраш ижтимоий аҳамиятга эга ҳодиса бўлиб, нутқ иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларда ижтимоий меъёрлар бузилган вазиятда (етказилган зарар ҳақиқий ёки потенциал бўлишидан қатъий назар) доим унга эҳтиёж пайдо бўлади.³

У.Эдмонсон кечирим нутқий акти учун қуидаги қолипни [APOLOGIZE — *S did P, P bad for H*] [КЕЧИРИМ – Снинг *H*га нисбатан салбий хатти-ҳаракати *P*] таклиф этади.⁴ Мазкур қолипга кўра *S* – сўзловчи тингловчи – *H* учун салбий бўлган бирор бир хатти-ҳаракат – *P* га йўл қўйганда кечиримга зарурат пайдо бўлади. Олим бундай вазиятда сўзловчининг узр сўраши ижтимоий ҳуқуққа эга ва тингловчи ҳурматини сақлаб қолишга қаратилган нутқий фаолият дея баҳолайди.⁵

К.Андрейчина “сўзловчининг суҳбатдошидан узр сўраши бу – унинг олдидаги бирор айби ёки нотўғри хатти-ҳаракати борлигини англатади”⁶, – дейди. С.Браун ва П.Левинсонлар концепциясига кўра кечирим – “изза” бўлган сўзловчи олдида ўз шахсиятини янайм “мустаҳкамлаб” олган адресат шахси: сўзловчи нуфузига зарар етганда, адресат нуфузи ошадиган нутқий актдир.⁷

Бизнингча, кечирим сўраш ҳар доим ҳам сўзловчининг мағлубиятини белгиламайди. Баъзан сўзловчининг жиддий хатолик ўтмаган вазиятлардаги узр сўраши унинг ҳурматини оширади, яъни хушмуомала инсон сифатида намоён этади.

Кечирим нутқий акти прагмалингвистикада барқарор мавқени эгаллайди. Прагматик тадқиқотларда нафақат мулоқот иштирокчилари, балки кечиримнинг юзага чиқиши вазияти, муҳити, омиллари тўғрисида ҳам бир қанча қарашлар мавжуд.

Кечирим нутқий актига прагматик ёндашув Ренате Ратмайр тадқиқотида ҳам кузатилади. Олим мазкур нутқ актига анъанавий нуқтайи назардан ёндашиб, нутқий этикетнинг бир шакли сифатида баҳо беради. Унинг фикрича, кечирим нутқий фаолияти уч қисмдан иборат: сўзловчи, яъни ўзининг нотўғри хатти-ҳаракати учун узр сўровчи; адресат - озор етказилган, яъни жабрланувчи ва етказилган заарнинг

³Trosborg A. Interlanguage Pragmatics. Requests,

Complains and Apologies / A. Trosborg // Studies in Anthropological Linguistics № 7. — Mouton de Gruyter. Berlin. New York. 1995. — P.373. (— 410 p)

⁴ S = speaker (сўзловчи), H = hearer (tinglovchi), P (хатти-ҳаракат)

⁵ Edmonson W.J. On saying you're sorry / W. J. Edmonson // Conversational Routine: Explorations in Standardized Communication Situations and Prepatterned Speech. — The Hague & New York: Mouton, 1981. — P.278. (—P. 273-289.)

⁶ Андрейчина, К., Формановская, Н.И. Пособие по русскому речевому этикету для учителя Болгарской средней школы / К. Андрейчина, Н.И. Формановская // София: Народна просвета, 1980. 154 с.

⁷ Brown P., Levinson S. Politeness - Some universals in language usage. — Cambridge: Cambridge University Press, 1987. — 345 p.

ўзи. Шу ўринда олим етказилган зарар қанчалик жиддий бўлса, кечирим шакли шунчалик мураккаб ва мاشаққатли бўлишини ҳам кўрсатиб ўтади.⁸

Бизнингча, кечирим шакли заарнинг жиддийлигига боғлиқ бўлмай, балки сўзловчининг ушбу зарарни баҳолашига, талқин этишига боғлиқ.

Г. Каспер ва М.Л. Бергманлар кечиримни “*етказилган зарар учун тўлов акти*” деб баҳолайди, “*сўзловчи айтилган гап, қилинган хатти-ҳаракат, айб учун зарарни қоплаши*” лозим бўлади.⁹ [151, с. 34]. В.Ю.Ниссен кечирим – “*билиб-бilmай кимгадир ноқулайлик ёки нотинчлик туғдирилганда сўралишини*”¹⁰ таъкидласа, Э.Ольштейн ва А.Д.Кохен мулоқотда ноқулайлик ёки ўзаро келишув бузилганда икки одатий ҳолат юзага чиқишини кўрсатади:

- а) сўзловчи адресатдан кечирим сўрашдан бош тортади ва сўрамайди;
- б) сўзловчи ўз хатоси учун жавобгарликни ўз бўйнига олади ва айбордлигини билдириб, адресатдан кечирим сўрайди.¹¹

Ж.Хольмз эса Ж.Остиннинг тадқиқотларига асосланган ҳолда қуйидаги шартларни ҳисобга олиш лозимлигини таклиф этади:

- а) норози ёки хафа бўладиган ҳаракат қилинган;
- б) бу ҳаракат коммуникантнинг норозилигига ёки ранжишига сабаб бўлади;
- в) сўзловчи мазкур ҳаракат жавобгарлигини ўз зиммасига олади.¹²

НАТИЖА. Кўринадики, кечирим нутқий актинининг асосий ва универсал тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- 1) қилинган иш учун айбордлик ва маънавий жавобгарликни англаш;
- 2) йўл қўйилган хатони ёки нотўғри хатти-ҳаракатни шахсан тан олиш ва уни нутққа чиқариш
- 3) йўл қўйилган хато ёки нотўғри хатти-ҳаракатнинг сабабини кўрсатиш;
- 4) кечиримнинг самимилиги;
- 5) кечирим сўзлари ва нутқий вазиятнинг мувофиқлиги.

ХУЛОСА. Шундай қилиб кечирим нутқий актининг иллокутив йўналиши аниқ гаплардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва кўп жиҳатдан миллий анъаналарга боғлиқ. Юзаки қараганда кечирим сўраш жуда кўзга ташланадиган нутқий жараёндек кўринмаса-да, ҳар бир миллат маданиятида муҳим ўрин тутади.

⁸ Ратмайр Р. Прагматика извинения: Сравнительное исследование на материале русского языка и русской культуры / Р. Ратмайр. — М.: Языки славянской культуры, 2003. – 272 с.

⁹ Konovalova, I. L. Grammar and agency in L2 pragmatic proficiency: Toward on integrated view of L2 pragmatics. Tuscaloosa: Alabama, 2006 . С.34.

¹⁰ Ниссен, В.Ю., Карасёва, Т.В. Русский речевой этикет: Учебное пособие / В.Ю. Ниссен, Т.В. Карасёва. М.: Флинта: Наука, 2011. с. 30–31 (76 с)

¹¹ Shih, H. Y. An interlanguage study of speech act of apology by EFL learner in Taiwan. Unpublished doctoral dissertation, Sun Yat Sen University, 2006. 75-C.

¹² Holmes, J. Women, Men and Politeness. London, New York: Longman, 1995.

Унинг таҳлили тил хусусиятларини, тил эгаларининг маънавий ҳаётидаги асосий қадриятларни англашга ёрдам беради.